I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2 214,9 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,5 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) *– миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,3 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши 39,1 фоиз), саноат – 98,3 фоиз (14,1 фоиз), қурилиш – 114,7 фоиз (8,1 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 107,9 фоиз (9,1 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 100,4 фоиз (5,8 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 105,5 фоиз (23,8 фоиз) ни ташкил қилди.

ЯҲМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-мартидаги нархларга нисбатан 119,9 фоизни ташкил этди.

(фоизда)

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 1 634,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 % га юқоридир.

2019 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби

	Млрд. сўм	*2018 йил январь-мартига нисбатан % да*	*ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, %*
ЯҲМ - жами	**2 214,9**	**103,5**	**3,5**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**2 086,9**	**103,4**	**3,3**
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	815,2	101,3	0,6
саноат	294,1	98,3	-0,2
қурилиш	169,6	114,7	1,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	190,4	107,9	0,7
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	121,0	100,4	0,0
бошқа хизмат тармоқлари	496,6		1,1
Маҳсулотларга соф солиқлар	**128,0**	**105,2**	**0,2**

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯҲМ умумий ҳажмининг 94,2 % ини ташкил этди ва 3,4 % га ўсди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 3,5 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,8 % ни ташкил этди ва 5,2 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,2 ф.п.).

2019 йил январь-март учун ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари %да



ЯҲМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатди (1,9 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-мартига нисбатан 5,2 % га ўсди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 0,7 % га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 0,0 % га ва бошқа хизматлар – 1,1 % га ўсди.

2019 йилнинг январь-март якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ҳам 1,3 % даражасида ижобий ўсиш суръати кузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати ҳисобидан ЯҲМ нинг 0,6 ф.п. ўсиши таъминланди.

Қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 14,7 % ни ташкил этди. ЯҲМ нинг мутлоқ ўсишида қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 1,1 ф.п. даражасида баҳоланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь-март ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)



2019 йилнинг январь – мартда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 38,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2018 йилнинг январь – мартига нисбатан 2,2 пунктга кўпдир (36,5 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,1 пунктга ҳамда ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,8 пунктга камайган лекин хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 3,1 пунктга ўсди.

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2019 йил январь – мартида 9,1 % ни (2018 йил январь – мартидаги 9,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 5,8 % ни (2018 йил январь – мартида 6,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 23,8 % ни (2018 йил январь – мартида 20,7 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):